



## ТЕХНИКУМ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Холмухамедов Т.М.*

*Профессионал таълимни ривожлантириш институти*

**Таянч сўзлар:** талабалар, техникум, кўникма, ривожлантириш, шахс, таълим, амалга ошириш, касбий кўникма, касбий таълим тизимида таълим натижалари.

**Ключевые слова:** студенты, техникум, умения, развитие, личность, образование, реализация, профессиональный опыт, образовательные результаты в системе профессионального образования.

**Key words:** students, technical school, skills, development, personality, education, implementation, professional experience, educational results in the system of professional education.

**Резюме:**

Ушбу мақолада техникумларда талабалар касбий ва юмшоқ кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришда шахсга йўналтирилган таълимни амалга оширишнинг аҳамияти ёритилган.

**Резюме:**

В данной статье подчеркивается важность реализации лично-ориентированного образования в формировании и развитии профессиональных и социальных навыков студентов технических вузов.

**Summary:**

This article emphasizes the importance of implementing personality-oriented education in the formation and development of professional and social skills of students of technical universities.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги қабул қилинган “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўрисидаги ПФ-158-сонли Фармонида [1], “Касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг кўникма ва компетенцияларини баҳолаш тизимини тубдан янгилаш, ушбу жараёнда иш берувчилар вакиллари фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш” вазифалари белгилаб берилди. Бу билан касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг кўникмалари компетенциялар билан бир қаторда

алоҳида таълим натижалари сифатида баҳоланиши белгилаб қўйилди. Кўникмаларнинг касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг баҳоланадиган алоҳида категория сифатида ажратилиши битирувчиларда кўникмаларни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқотларнинг олиб бориш долзарблигини кўрсатди.

Касбий таълим тизимида таълим натижалари асосида режалаштирилган билим, кўникма ва шахсий фазилатлар, яъни таълим натижалари касбий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган бўлади. Бу эса, битирувчиларнинг таълим дастури тугагандан сўнг назарий билимларнинг чиқурлиги ва кенглиги ҳамда кўнималарнинг мураккаблиги ва мукамаллик даражаларини эгаллаганлиги касбий функционалликка қодир бўлишлари кераклигини аниқлайди. Техник кўникмаларни тавсифлаш бўйича профессионал таълим тизими натижаларини касбий кўникмалар (Hard skills), яъни маҳсулот, жараёнлар ва тизимларни тушуниш, янги ғояларни ўйлаб топиши, лойиҳалаш ва бунёд этиш кўникмаларини қамраб олади.

Бундан ташқари, таълим олувчиларнинг шахсий ривожланишини таъминловчи юмшоқ кўникмалар (Soft skills) форматидаги таълим натижалари ҳар бир битирувчининг билим ва ҳиссий ривожланишига, масалан, техник муаммоларни қўйиш ва муаммоларни ҳал қилишга, тажриба ўтказиш ва янги билимларга эга бўлишга, тизимли фикрлаш, ижодий фикрлаш, танқидий фикрлаш ва касбий одоб-ахлоққа қаратилган бўлади. Шахсий ривожланиш жамоавий иш, етакчилик, алоқа ва тил билан алоқа қилиш каби индивидуал ва гуруҳли ўзаро муносабатларнинг маҳоратини тавсифлайди.

Замонавий таълим тизими шундай концепция асосида қурилар экан, келгусида ҳам иш берувчи ва таълим муассасалари тармоғининг таълим натижасига қаратилган, сифатли маҳсулот олиш (иш берувчи учун моддий қийматга эга маҳсулот, таълим берувчи учун малакали мутахассис)га йўналтирилган мақсадларини амалга оширишда “soft” юмшоқ кўникмалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Чунки айнан шу жараёнлар шахснинг (меҳнат бозорига кириб бораётган ҳар қандай мутахассиснинг) ўз хоҳиш иродасига кўра юмшоқ кўникмалар (soft-skills) ҳамда қаттиқ кўникмалар (hard-skills)га эга бўлишини тақозо қилади. Ҳозирги вақтда юмшоқ “soft” кўникмаларга (умумий сони, таркиби, номланиши, тоифаси, таснифланиши) бўлган ягона ёндашув мавжуд бўлмаса-да, бир қатор тадқиқотчилар ва олимлар томонидан талқин этилаётган кўникмаларни таснифлашда ўзаро уйғунлик мавжуд.



В.О. Виноградова, А.Е.Цымбалюк [243]лар талқинига кўра “Soft-skills” куйидаги йўналишларда тавсифланади:

- муайян касбий фаолиятга тўғридан - тўғри тааллуқли бўлмаган муҳим фазилатлар мажмуи;
- профессионал фаолият сифатида унинг самарадорлигига таъсир ўтказадиган муҳим фазилатлар мажмуи; умумий профессионал ва метапрофессионал ечимлар билан боғлиқ муҳим фазилатлар мажмуи;

Юмшоқ кўникмалар “Soft-skills” касбий фаолиятнинг барча турлари учун бир хилда тааллуқлидир, айти пайтда мутахассисликлар кесимида куйидагича таснифланиши мумкин:

Шахснинг ўзига боғлиқ омиллар:

- Ўз ҳис-туйғуларини бошқара олиши, ўзини ривожлантириши, шахсий ўсишга интилиши, мустақил ўрганиш кўникмалари;

бошқа шахслар билан боғлиқ омиллар:

- шахслараро мулоқот кўникмалари,
- жамоада ишлаш кўникмалари,

Етакчилик кўникмалари,

- музокара кўникмалари ,
- ҳамдардлик кўникмалари ;
- кенг кўламли умумкасбий вазифаларни ҳал қилиш,
- фикрлаш кўникмалари (танқидий, стратегик, тизимли ва бошқалар),
- қарор қабул қилиш,
- муаммоларни тизимли ҳал қилиш,
- масъулиятни ҳис қилиш,
- мослашувчанлик,
- меҳнатсеварлик .

М.А.Лукашенко [2], талқинига кўра, “Soft-skills” шахсини ривожлантириш, қарорлар қабул қилиш ва кўзланган натижаларга эришиш, ностандарт вазиятларда белгиланган вазифаларни ҳал қилиш, алоқа қобилиятлари, шахслараро, ҳиссий ақл ва бошқа кўникмаларни ўз ичига олиши алоҳида таъкидланган.

Юмшоқ кўникмаларнинг касбий фаолиятда аҳамиятли бўлган куйидаги шакллари алоҳида қайд этамиз:

- мулоқот қобилиятлари, шу жумладан бошқаларни ишонтириш, ҳамжиҳатликда ишлаш қобилиятлари;
- жамоада низоли вазиятларни ҳал қилиш; етакчилик қобилиятлари, бошқариш кўникмалари;

- режалаштириш, вақтни бошқариш, қарор қабул қилиш ва улар учун жавобгарликни ҳис қилиш, масъулият;
- шахсий ривожланишни бошқариш қобилиятлари;
- ўзини ўзи тақдим этиш, мослашувчанлик қобилиятлари;
- ўзгарувчан шароитларда ўзини ўзи бошқариш қобилиятлари.

Юмшоқ кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган тадқиқотларни умумлаштириш ва таснифлашнинг нисбатан тўлиқ шакли Жаҳон Иқтисодёт форуми томонидан тақдим этилган ..... Мазкур ҳужжатда муаммоларни ҳал қилиш қобилияти, қийин вазифаларга ечим топа олиш, танқидий фикрлаш, ижодкорлик, ижодий фикрлаш, одамларни бошқариш, мувофиқлаштириш, ҳиссий интеллект, қарор қабул қилиш, миждозларга эътибор, музокаралар ўтказиш қобилиятлари, когнитив мослашувчанлик, бир вақтнинг ўзида бир нечта нарсалар ҳақида фикрлай олиш каби кўникмаларга алоҳида урғу берилади [3].

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Soft-skills” юмшоқ кўникмалар сифатида шахс аслияти ва характерида табиатан мавжуд бўлган шахсий сифат ва фазилатлари мажмуи, унинг хулқ атвори, ўзини тутиши, ташқи муҳит билан ижтимоий алоқалар ва муайян психологик муносабатлар таъсири остида шаклланган ички ресурслари, бошқалар билан уйғун ва самарали фаолият олиб бориш учун имкон берувчи туғма ёки орттирилган кўникма, қобилият ва малакалар мажмуидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, техникум талабаларида кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришда биз шахсга йўналтирилган таълимнинг аҳамиятига алоҳида тўхталдик.

Психология ва педагогикага доир қатор илмий тадқиқот ишларида шахсни ривожлантириш таълимига кўпроқ эътибор берилмоқда. Шахсни ривожлантириш профессионал таълимда мутахассисларнинг ўз касбий компетенцияларини максимал даражада рўёбга чиқаришга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир.

Профессионал таълимнинг шахсга йўналтирилган моделига мувофиқ – шахсга йўналтирилган таълимнинг марказий элементи ишчи касб эгалари ва ўрта бўғин мутахассислари шахсининг узлуксиз ривожланишидир.

Профессионал таълимнинг ушбу парадигмаси очик таълим фалсафасига энг мос келади, у нафақат таълимни, балки ўз-ўзини тарбиялашни, нафақат ривожланишни, балки шахсининг ўзини-ўзи ривожлантиришни назарда тутди ва қуйидаги тамойилларга асосланади:



- дастлаб касбий жараённинг субъекти бўлган битирувчининг индивидуаллиги, ўз кадр-қиммати устуворлигини тан олади;
- касб-хунар таълимининг барча даражасида шахснинг шаклланиши;
- профессионал таълимнинг мазмунида ишлаб чиқариш технологиялари ва шунга мос равишда келажакдаги касбий фаолиятнинг ривожланиш даражасини белгилайди;
- профессионал таълимда ишлаб чиқариш жараёнида ишчи касб эгалари ва бўлажак ўрта бўғин мутахассисининг ижтимоий-касбий компетенциясини шакллантириш ва қўшимча функционал сифатларини ривожлантиришни таъминлайди.

Шахсга йўналтирилган профессионал таълим максимал даражада индивидуал тажрибага ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжига қаратилган.

Шахсга йўналтирилган таълимда таълим мазмуни профессионал таълимда ишчи касб эгалари ва ўрта бўғин мутахассисларининг субъектив тажрибасига асосланиши керак.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, шахсни ривожлантирувчи касбий таълимнинг асосий омили - бу касбий таълим, касбни ўзлаштириш ва амалий фаолиятни амалга ошириш жараёнида шахснинг ривожланиши ҳисобланади. Касбий камолотнинг кейинги босқичларида шахсий ва касбий ривожланиш ўзаро боғлиқликда амалга ошади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги қабул қилинган “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўрисидаги ПФ-158-сонли Фармони.
2. М.А.Лукашенко. Профессиональные компетенции руководителя как фактор конкурентоспособности компании. – М.: 2009. – 233 с.
3. М.Холмухамедов. Таълим натижалари концепциялари асосида профессионал таълим мазмуни модернизация қилишнинг илмий-методик асослари. Педагогика фанлари бўйича фан доктори (DS) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. 2023 й.